



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 23 июль, № 26 (219) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

ЁШЛАР ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

Фалсафий ўйлар

Ёшларнинг сиёсий маданияти — уларнинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат юрисдикциясига ва ташқи сиёсатга муносабатиди ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам ёшларнинг сиёсий маданиятини юксалтириш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим шартидир. Тошкентда бўлиб ўтган февраль воқеалари бу масалага янада жиддийроқ эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди.

Ҳозирги замон инсоншунлигининг маълумотида кўра, инсон сиёсий маданияти доимо ҳаракатда бўлган динамика жараёни бўлиб, ўз ичига уч асосий жабҳани қамраб олади. Чунки инсон сиёсий маданиятини билиш жабҳаси сиёсий билимлардан хабардорлик, сиёсий онглилик каби хусусиятлари ўзидан муҳимасамалаштирса, бошқа жабҳаси сиёсий қайғирилар, сиёсий қадриятлар, сиёсий меъёрлардан ташкил топади. Ҳуқуқ-ахлоқ жабҳаси ва ижтимоий-сиёсий дастурларга асосан амалга ошириладиган фаолияти, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминиялик каби хусусиятлари қамраб олади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг энг барқарор жиҳати сиёсий билимлардир. Сиёсий билимлар — ҳокимият ва тузум, ижтимоий ҳаракатларнинг бошқаришнинг асосини ташкил этувчи ғоялар ва қарашлар, меъёрлар ва тамойиллар йиғиндиси. Сиёсий билимлар ижтимоий амалиётга таъбиқ этиладиганига шахс унинг ҳоҳияти ва маъмурий чўқур тушуниб етати. Шу боисдан сиёсий шакллантиришда сиёсий партияларнинг аҳамияти бекиб.

Эркинлик — бу танлаш имкониятини маъжудлигидир. Яқинпартиявий сиёсий тузум ҳукм сурган мамлакатларда сиёсий фаолият кўрсатган ёшлар бундай имкониятдан маҳрум. Фақат кўппартиявийликка асосланган сиёсий тузум шартидидаги илгир ва қизлар сиёсий билимларини ошириш имконига эга бўлади. Бинобарин, мустақилликдан сўнг Халқ демократик партиясининг, 1992 йилдан «Ватан тарқиқчи» партиясининг, 1995 йилдан эса «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг, кейинроқ эса «Фидокорлар» партияси ишлай бошлаши ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш учун реал шарт-шароит яратди.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида сиёсий ахборотлардан хабардорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳақиқат, газеталар, радио ва телевидение фаолияти қанчалик самарали бўлса, ёшларнинг сиёсий ахборотлардан хабардорлиги қанчалик шунчалик катта бўлади. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари тўдан узғиртилди, уларнинг миқдорий тарқибига ҳам сезиларли ўзгариш. Масалан, 1975 йилда Ўзбекистонда 257 номда газета чоп этилган бўлса, 1996 йилга келиб уларнинг сони 416 тага етди. «Қашқадар» ва «Қашқадар» вилоят газеталари, 14 та туман газетаси билан бир қаторда «Меҳнат ва турмуш», «Қамолот», «Нафосат», «Адолат кучи» каби унлаб янги газеталарнинг чиқа бошлаши сиёсий ахборотлардан воқиф қилиб бориш имконини кенгайтирди. Маҳаллий телевидениеларнинг фаолият кўрсати бошлаши ҳам ёшларнинг сиёсий хабардорлигини ошириш учун реал имкониятларни вужудга келтирди.

Янги сиёсий раамларнинг вужудга келиши, сиёсий қадриятларнинг ўзгариши, Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилини-

ши, шарқона демократик тамойилларга амал қилина бошланиши ёшларда миллий гуруҳнинг ошишига, сиёсий онг ва фаолият бирлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг ҳуқуқ-ахлоқ жабҳасида ватанпарварлиқнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ватанпарварлик — шахснинг ўз юрти, миллати манфаатларини, мақсадларини қабул қилганлиги даражасини кўрсатувчи даражадир. Инсон манфаатлари улуғланган мамлакатдагина фуқароларда ватанпарварлик туйғуси баланд бўлади.

Ёшлар сиёсий маданиятининг муҳим тарқибий жиҳатларидан яна бири — миллатпарварликдир. Мустақиллик миллийлигининг тикланишига, миллий гуруҳнинг устига олиб келди. Вилоятимиз ёшлари миллатимиз моддий ва маънавий мероси, манфаатлари ва қадриятларини йил сайин чуқур англаб етмоқдалар. Социологик тадқиқот натижаларига мувожабат этакимиз: «Миллий-маданий меросимизни, халқимиз қадриятларини тенгдошларингиз яхши англайдиларми?» деган саволга 250 жавоб берувчининг 19 таси «ха», 103 таси «кўпчилиги», 35 таси эса «яримдан кўпроқ», деб жавоб берганлар. Жавоб берган йигит ва қизларда миллатпарварлик туйғуси ривожланиб бораётганидан адолат беради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, республикада миллийликни ривожлантириш билан бир қаторда байналминияликка ҳам етарли эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда 100 дан ортиқ миллат ва эланинг тинч-тотувлиги таъминланди, 25 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Мақтаблардаги дарслар ўзбек, қорақалпоқ, туркман, қирғиз, рус, тожик ва қозоқ тилларида олиб борилади. Аҳолисининг 12,3 фоизини рус, тожик, украин, озарбайжон, туркман, корейс, белорус ва бошқа миллат вакиллари ташкил этадиган Қашқадарёдаки вилоят учун бу омилларнинг аҳамияти нақадар бекиб эканини таъкидлаш жоиз.

Илгир ва қизлар сиёсий маданияти фақат объектив шарт-шароитлар маъноси эмас. У ягона мақсадга бўйсундрилган тарбиявий-мафкуравий тадбирларнинг ҳам натижасидир. Чунки вилоят олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртиларида миллий истиқлол мафкураси ва Президент И. А. Каримовнинг асарлари, кейинги матбуот чиқишлари асосида маҳсус курслар, маҳсус семинарлар ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этди. Чунки миллий истиқлол мафкураси ғояларининг ўзлаштирилиши, Президент асарларининг ўрганилиши вилоят ёшларида инсонпарвар, демократик жамият стратегияси ва амалиётини англаб етиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий позициясини мустаҳкамлаш имконини беради. Кейинги йилда бундай имконият олий ўқув юртиларининг 10 мингга яқин талабасини, ўрта маҳсус ўқув юртиларининг 14,5 мингга яқин талабасини қамраб олди. Хуллас вилоятимизда йигит-қизларимизнинг сиёсий маданиятини ошириш учун барча имкониятлар маъжуд. Бироқ биз биламики, имконият ҳали воқелик эмас. Уни воқеликка айлантиришимиз учун маъжуд объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирини уйғунлаштиришимиз, маъзур ўйғунлидан самарали фойдаланишимиз лозим бўлади.

Санжар ЧОРИЕВ,
Қарши Давлат университети фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Ўзбекистон



мустақиллигининг

8 йиллигига

«ТАҲДИД» ТУШУНЧАСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Абу Али ибн Сино номдаги нашриёт Шукритдин Пахрутдиновнинг «Таҳдид» тушунчаси: назария ва амалиёт» номли рисоласини чоп этди.

Ушбу рисолада муаллиф сўнгги пайтларда умумхалқ сиёсий тафаккуридан урин олган «таҳдид» тушунчасининг илмий назарий асослари ва унинг инсоният ҳаётидаги қурилишларини махсус ва атрофича таҳлил этишни мақсад қилган. Рисола кириш, икки боб ва хулосадан иборат.

Муаллиф таъкидлаганидек, ушбу ибора сиёсий тафаккур доирасига Президентимиз томонидан 1994 йилнинг 22 сентябридаги Олий Мажлис сессиясида сузлаган нутқидан биринчи бор қилинди. Йўлбошимиз унинг «XXI аср бугунда: хавфсизлик таҳдиди, барқарорлик шартлари, тараққиёт қафо-лотлари» номли фундаментал асаридан ҳам ҳозирги халқроқ дунё ва мамлакатимизнинг янги тарққиёт қонунларини чуқур таҳлил қила турган, таҳлил муаммосини ҳудди шу йўлда унинг намоён этилган ижтимоий сиёсий ҳодиса сифатида кўрсатди. Шу билан бирга кенг илмий назарий ва амалий асосларини баён этди. Давлатимиз раҳбари «таҳдид» муаммосини унинг олтинчи маъруза ва суҳбатларида халқимизга кенг қулабда тушунтириб берди. Юқорида таъкидланган рисолада Президентимизнинг ушбу масалага қарашини илмий методология асосга айлانган. Рисоланинг биринчи умумназарий бобида «таҳдид» тушунчаси тарихий-фалсафий қулабда таҳлил этилади. Муаллиф бу муаммо таҳлилга доир таърих ва замонавий адабиётларни, халқроқ матбуот материалларини, XX аср таърих сийнатдорлари фикрларини анча чуқур ўрганганлиги кўриниб турибди. Мана шундай даражадаги чуқур билим, кузатиш ва мулоҳазалар китобга алоҳида малака ба-

ғишлаган, унинг қизиқарли, кенг ўқувчилар учун зарур маърифий аҳамияти манбага айланишини таъминлаган. Муаллиф айтганидек инсоният тарихидаги таҳдидлар ҳамша ва ранг-баранг қурилишларда содир бўлиб келган. Одамзод табиий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, демографик, мафкуравий, экологик ва бошқа хилдаги таҳдид ҳолатларини бошидан кечирган.

Шунингдек, муаллифнинг яна бир фикри диққатни торлади: утмишда қўпгина давлатларга уларнинг олиб борган уз ноурин сивасатлари бош таҳдидга айланган. Масалан, «империяпарастлик» сивасати тарихда Вавилон империяси, Муқаддас Рим империяси, Австро-Венгрия империяси, Наполеон Францияси, нийҳат сойқ шўро империясининг емирилишига сабаб бўлган.

Рисолада шунингдек, табиатда маъжуд қарама-қаршиликлар биллиги ва қураши қонунини жамиятга қўро-на таъдиқ этиш ҳам тарихда халқлар бошига қўпгина таҳдидларни солаётганлиги тарихий далиллар воситасида кўрсатилади. Қарама-қаршиликларни мулоқлаштириш ва уни сиёсий йўлга айлантириш инсоният бошига қўлфатлар келтирган ва янги таҳдидларни келтирмоқда. Табиат қонунларини чуқур асосларидан, муаллиф айтганидек, аслида «узроқ монандлик муносабати» ётади. Табиат қонунларини жамиятга таъдиқ этилар экан, унинг ана шу «узроқ монандлик муносабати»дан ибратланиш керак.

Рисоланинг иккинчи бобида янги тарихий ҳаётга эришган Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлида дуч келадиган таҳдидлар бир неча жиҳдиди қури-нишлари таҳлил этилади ва улар Президентимизнинг да-

дил, жасоратли, келажакни олдиндан қураолиш иқтисоди туфайли қандай оқилна хал этилаётганлиги ҳаётий далиллар билан таҳлил этилади.

Рисола муаллифи туғри таъкидлаганидек ҳозирда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экология муаммоларига бағишлаб турли йил бахслар, йиғилишлар, конференциялар утқазилляпти. Матбуот саҳифаларида тез-тез регионал экологик муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари туғрисида қўпжа хулоса ва умумлашмалар ҳам пайдо бўлмоқда. Аммо бу билан муаммо ҳал бўлаётми? — деб савол қўяди ва унга одил жавоб беришга ҳаракат қилади. Яъни, «атроф-муҳит экологиясининг бузилишига асосий сабаблардан бири — табиат бойликларида фойдаланишда моддий ва маънавий жавобгарликни ҳис этмаслиқдир». Бу қизиқарли, жонли, ҳаётий сиёсий фикр мушоҳадали рисоланинг ҳозирги маънавий аҳтиёжлар дунёсига муносиб ўрни бор албатта. Президентимиз «Хўшёрликка давлат» номли УЗА муҳбири билан суҳбатда омма уртасида тарғибот ташвиқот ишларини жиҳдиди йўлга қўйиш, халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масаласига жамият эътиборини қаратди.

«Таҳдид» тушунчаси назария ва амалиёт рисоласи эса айнан шу долзарб вазифага хизмат қилади.

Эркин УМАРОВ,
ТошДУЭ этика, эстетика кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор.

МУСТАҚИЛЛИК ЁҒДУСИ

• Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янги тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш биринчи илмий иш бўлмай, балки узок давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилимиз. Аммо мафкура — маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳирларини онгини эски мустақил тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-епки фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор воғга етиб келадиган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбига миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-салоқат туйғусини уйғотиш, ўзларини англаш, миллий ва умумбаърий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Ислом КАРИМОВ.

Фармонини ўқиб... МУНОСИБ БАҲО

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кўнларда, таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилди. Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан таълим соҳасида юз бераётган туб ислохотларнинг ҳуқуқий-меърий асослари яратилди. Унда таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг ўзлуksиз ва изчиллиги, умумий ўрта, шунингдек, ўрта-маҳсус, касб-хўна тарбиянинг мажбурийлиги ва шу қабилир таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари қилиб белгиланди.

Биргина олий таълим тизимида қўсқа муддат ичида амалга оширилган ишларга бир сирда назар ташлайдиган бўлсак, энг аввало, абитуриент ва талабалар билимининг тест ва рейтинг усулида баҳолашнинг илгор асослари жорий этилди. Ўзбекистон олий мактаби тизимида 60 га яқин олий ўқув юрти, шу жумладан 17 университет, 46 институт фаолият кўрсатмоқда ва уларда 164 минг талаба таҳсил олмақда. Аксарият университетлар (13та) мустақиллик йилларида ташкил этилди. Соҳанинг 18,5 минг кишилик педагогик жамоаси эса, халқ ҳўжалиги учун етук мутахассислар тайёрлаш иши билан банд.

Бинобарин, қадрлар тайёрлаш масаласи Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номли дастури рисолаларида ҳам энг муҳим устувор йўналиш сифатида қай этилди. Зеро, ҳар қандай қонунларни амалиётга муваффақиятли таъдиқ этиш «мафсафдор кишиларнинг ҳар даражада фаолият кўрсатишлари билан шўба-сиз болглиқдир. Бу уринда, гап қўп ҳолларда, масаланинг моддий жиҳатларига бориш тақалар эди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Олий Мажлиснинг ХХ сессиясида сузлаган нутқларида «яъни беш йил ичда иш ҳақининг энг ҳам миқдорини 3,5 баравар ошириш-

ни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақимиз» деган эдилар.

Важоликки, ҳозиргача бозор итисодиёти шартидида биргина педагог ҳодимлари ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Республика Президентини ва Вазирлар Маҳкамасини 30дан зиёд Фармонларини ҳамда қарорлари эълон қилинган эди.

Мана, кун кеча белгиланган вазифаларнинг амалий натижасини ўлароқ, Президентимизнинг «Олий ўқув юртилари профессор-ўқитувчилар тарқибининг масофини ошириш тўғрисидаги Фармонларини эълон қилинди. Биз, соҳа мутахассислари, маъзур Фармонни қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда қўзланган мақсадларни амалга оширишда профессор-ўқитувчилар тўтадиган муҳим ўрнига давлатимиз раҳбари томонидан берилган муносиб баҳо сифатида қабул этдик. Зеро, олий таълим тизимида меҳнат қилаётган қўпминг сойла меҳнат эҳти тараққиётимиз пойдевори бўлган баркамол авлодни тарбиялашга ва соҳада юз бераётган туб ислохотларга уларнинг камтарона ҳиссаларини қўйишга қодирлар.

Н. ЖўРАБОВЕВ,
Тошкент автомобил-йўллар институтининг кафедра мудири.



• Бельгия Қироллигининг Миллий байрами — Бельгиянинг биринчи қироли Леопольд тахтга ўтирган кун.

• Старополь ўлкасининг Чеченистон билан туташ маъмурий чегарасида навабтаги келишимовчилик содир бўлди. Номалум кишиларнинг тўсатдан бошланган ҳужуми натижасида икки миллионер ва тўрт аёл ҳалок бўлди. Икки киши тан жароҳати олди.

• Москвада биринчи марта Москва пивоси фестивали ўтқазилди.

• Сўнгги ҳафта давомида вирус касаллиги тарқалганлиги натижасида Ростов вилоятида олти киши ҳалок бўлди, 72 киши касалхоналарга ётқизилди. Хозирча касалликнинг келиб чиқиш сабаблари номалумлигича қолмоқда.

• Хиндистон томони расмий равишда Хиндистон билан Покистон ўртасидаги Қашмир бўйича олиб бориладиган ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганлигини эълон қилди.

• Утган йил давомида Бразилияда 200 минг киши бедарак йўқолган.

• Молдовада бензин ва дизель ёнилғиси нархи оширилди.

• Грузия чегарачилари бортига 11 тоннадан ортиқ портлатувчи модда ортиб олган Голландия кемасини тўхтатдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда бу «юк» Марказий Осиё мамлакатларидан бирига жўнатиладиган экан.

• Японияда 25 соат давомида бир йўла уч беморнинг жўғарини қайта ўтқизиш операцияси муваффақиятли ақуланди.

• Хиндистондан олинган хабарларга қўра Уттар-Прадеш штатида йўловчи поезди юк поездига тўқнашиши натижасида издан чиқиб кетган. Шу туфайли саккиш киши ҳалок бўлди. Юз нафардан кўпроқ йўловчи жароҳатланди.

• Марокша қироли Хасан II Париж сафаридида француз журналистлари билан бўлиб ўтган учрашувда «тез орада» Жазоирнинг янги Президенти Абдулазиз Бутефлика билан қўришаётганини маълум қилди.

• Кучли сув тошқинлари Токиодаги ҳаётини издан чиқарди. Япония пойтахтида транспорт ҳаракати тўхтаб қолди. Табиий офат қурбонлари хусусида аниқ маълумотлар келиб тушмаган.

• Югославиянинг Косово вилоятидаги йўлда ҳалокат туфайли икки америкалик аскар ҳалок бўлди. Ҳалокат ақшанба кунин патруль бронетранспортери ағдарлиб кетиши туфайли содир бўлди. Ҳалокат натижасида яна 3 аскар жароҳатланди.

• АҚШнинг шарқий қирғиғида сойқ президентининг ўғли Жон Кеннеди, хотини, қайинсиглиси тушган самолёт йўқолган, бир неча кун бўлса-да ҳануз топилмабтир.

• Нигериянинг Акви Ибон штати полициячилари мотори бузилиб соҳил ёнида тўхтаб қолган катердан тўққиз ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ва сотиш учун мўлжалланган 33 нафар болани қутқарди.

Фарғонада Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг XII пленуми қарорларидан келиб чиқиб, вилоят партия ташкилотининг олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқдилар. Бу ҳақда Фарғона вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Наримон Шодиев маъруза қилди.

Маърузада вилоят партия ташкилотининг бугунги кунда амалга ошириладиган ишларига ҳолис баҳо берилиб, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар руй-рост кўрсатиб ўтилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Вилоят партия Кенгашининг ташкил этилганига тўрт йилдан ошди. Унинг раҳбарлик вазифасига сайланган мутасаддилар шу давр ичида халқ ишончини қандай оқлаб, қандай ишларини амалга оширишга улгурдилар? Бу ҳақда нотўқ қилинган ишларга тўхталиб, вилоят партия ташкилотининг жиҳдиди камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтди. Аввалига ишлар катта гайрат билан бошланганига қарамай Кенгаш котибларининг сустанлиги боис олинган қароргоҳ қўлдан чиқди. Эндиликда

кўпчилик вилоят партия ташкилотининг манзили қачон, қай тарзда ҳал бўлади деб умид билан кўтиб турибди. Бу ишни амалга ошириш эса вилоят партия ташкилоти томонидан пайсалга солинмапти.

Бундай камчиликларни туман партия Кенгашлари фаолиятида ҳам қўриш мумкин. Тўғри, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида таъсис конференциялари ўтказилиб, партия Кенгашларининг тузилганига алоҳида баҳо берилди. Бошланганда ишлар бир текис кетди. Туман ва шаҳар партия ташкилотларининг самарали фаолияти кўзга ташлана бошлади. Бироқ у узок давом этмади. Кейинчалик айрим партия Кенгашларининг етакчилари ва фаолилари йўл қўйган сустанлиқ оқибатида ишда жиҳдиди камчиликлар юзага келди. Бу албатта шаҳар ва туман партия Кенгашларининг базиларидаги котиблик вазифаси-

га тасодифий кишиларнинг сайланиб қолгани боисдир. Оқибатда улар етакчиликка сайланган туман ва шаҳар партия ташкилотларининг иши ҳозир деярли тўхтаб қолган, юришадигани йўқ. Бунга Фарғона, Қўра, Охун-бобоев, Олтиарқ ва Фурқат туманлари партия Кенгашлари мисолида қўриш мумкин. Эндиликда вилоят партия ташкилоти улардаги аҳолини унлаб, ишда жиҳдий ўзгариш ясашга, партия фаолларининг қўра-ғайратидан умумий фойдаланишга эришмоғи лозим.

Хўш, партия ташкилотининг ютуқлари нимада? Бу аввало партия сағифа соғлом фикрли, унга дилдан меҳр қўйган кишиларни жалб этиб бораётганида кўзга ташланади. Вилоят партия Кенгаши кейинги бир йил ичида сон ва сифат жиҳатидан бирмунча ўсган. Унинг сағифа бирлашган партия аъзолари сони минг нафарга қўнайиб, 7000 кишига етди. Эндиликда вилоят партия Кенгаши бу кўрсаткиччи янада ўстириш, партия ташкилотларини энг муносиб аъзолар ҳисобига кенгайтириб бориш чорала-

Партия ахбороти

СУСТКАШЛИККА ЎРИН ЙЎҚ

рени кўрмоқда. Шу олий мақсад йўлида жойларда ўтқазилган тадбирларда партиянинг мақсад ва вазифаларини кенг халқ оmmasига етказиш, Дастур ва Низомидан қўпчилигини хабардор этишга алоҳида эътибор бермоқда. Вилоятдаги турли жамоа ташкилотлари билан ҳамкорликда ишларини қўчайтириб борапти. Улар билан жойларда қизиқарли тадбирлар ўтқазилган эришмоқда. Шу боис партия кўнгли бугунда унга дилдан мақсадлари билан қўра-ғайратидан умумий фойдаланишга эришмоғи лозим.

Хўш, партия ташкилотининг ютуқлари нимада? Бу аввало партия сағифа соғлом фикрли, унга дилдан меҳр қўйган кишиларни жалб этиб бораётганида кўзга ташланади. Вилоят партия Кенгаши кейинги бир йил ичида сон ва сифат жиҳатидан бирмунча ўсган. Унинг сағифа бирлашган партия аъзолари сони минг нафарга қўнайиб, 7000 кишига етди. Эндиликда вилоят партия Кенгаши бу кўрсаткиччи янада ўстириш, партия ташкилотларини энг муносиб аъзолар ҳисобига кенгайтириб бориш чорала-

чиққан Қўра шаҳар партия Кенгашининг иккинчи котиби Фахриддин Йўлдошев, Марғилон шаҳар партия Кенгашининг аъзоси Олимжон Ганиев, Қўра тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Каримжон Мамажонов, вилоят партия Кенгашининг ташкилоти бўлими мудири Фарҳодхон Алимов ва партия ташкилотини янада фаоллаштириш билан боғлиқ масалаларини ўртага ташлашиб, қилинади-ган ишларга эътиборини қаратдилар.

Пленумда Риштон туман партия Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати, Ўроқ-хўнжон Раҳмонов ва Фурқат туманидаги «Фурқат» ширкатлар уюшмасининг раиси, Олий Мажлис депутати Маммуржон Собиров широк этиб партия фракциясининг Олий Мажлисда олиб бораётган кенг қамровли фаолияти хусусида ахборот беришди, вилоят партия Кенгашининг олдида турган вазифаларга эътиборини қаратди.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. «Фарғона» боз қорхонасининг директори, вилоят дон маҳсу-

лотлари хиссадорлик уюшмаси ра

• Ия, наҳотки ТОШ ИЧИДАГИ ҲАЁТ

Тош ичида, ҳаёт учун барча шароитлардан маҳрум ҳолатда ҳам яшаётган тирик жониворлар ҳақидаги маълумотлар бир қарашда афсонага ўхшайди. Бироқ, бу маълумотлар кўп ҳолларда илмий ҳаққон тасдиқланган.

1862 йилда Лондонда ўтаётган халқаро курғазмада катта бир тош-кумир парчаси намоиш этилди. Бу парча Ньюпортдаги шахталарнинг бирида 30 фут чуқурликда топилибди. Тош парчаси ичидаги қурбақа мутахассисларнинг тасдиқлашича, у ерда миллион йилга яқин умр кўрган.

Қандайдир Жон Скотт исмли киши газетда унинг хотини тошқумирни булаклабтиб, унинг уртасидан чиққан бақани ўз қўзи билан курганлиги ҳақида ёзди. Бақа тирик бўлган.

Сантгарош Самуэл Будвин ҳаммасларни билан диаметри 4 фут тенг келадиган катта бир тошни аралашди. Тошнинг ичида эса йулқачча топилибди. Йулқачни синчиклаб кузатишганда у ерда катталлиги одам мушига тенг келадиган бақа яшаётганига ғувоҳ бўлишган. Бақани очиб ҳавога олиб чиқилганида у ярим соатга чидаган ҳолда.

Тошларда нафақат бақа ва қурбақалар яшашиди. Шунингдек, илон, қисқичбақа каби ҳайвонлар ҳам тошда яшаш қобилиятига эга эканлиги тасдиқланди. Мана бу воқеа эса Сибирда рўй берган. 11 метрлик чуқурликда катта бир муз парчаси топилибди. Музнинг ичида эса қотиб қолган тритон чиқди. Қизғин шундаки, муз эригач, тритон яна яшай бошлади. Унинг ёши аниқланганда у минг йилдан бундан музлаб ётганлиги маълум бўлди.

Кўплаб мутахассислар тош ичида яшаш мумкинлигини жиҳсларнинг биологик хусусиятларига асосланиб талқин қилишди. Бундан ташқари тошларда қандайдир микроҳайвонлар мавжуд бўлиб, улар оқалли тош ичида сув ва бошқа муҳим организмлар утиши мумкин экан. Шунинг ўзи тош ичидаги мавжудотнинг ҳаёти таъминлашга ётади. Бундай «қамқоқ» ҳолатдаги махлуқ кўп сонли кам микродарба қабул қилгани бос, бирваракайига минг йиллаб ўхлайверади, дейишади олимлар.

• Во, ажаб! ХУШБҲҲ КИТОБЛАР

Ўз маҳсулотининг бозориги бўлиши учун ишбилармон тадбиркорлар қўлдан келган бара ишни қилишмоқда. Америка нашриётларида бирида чоп этилаётган китоблар эндиликда ўз мавзуси бўйича бўй тарафда. Яъни, китоб денгиз ҳаётига бағишланган бўлса, унда денгиз утларининг хиди, гулларга бағишланган бўлса, жасмин ва сирен хиди аниқ туради. Бунинг учун хушбўй тарафчи моддалар босмаҳона бўвғига қўйилади.

Ирода ХОЖИКУЛОВА
тайёрлаган.

СҮРАЛГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— **Хурматли редакция!** Менинг ўғлим Аҳмаджон Турдубоевни қилган жинояти учун суд томонидан шартли ҳукм ҳақида қарор чиқарди. Бу нима дегани?

Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Қодирали МИНГБОВ,
Шўрчи тумани.

— Суд озодликдан маҳрум қилиш, ҳизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида судир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлиги даражаси, айбдорнинг шахси ва

ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдорга тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг ҳуқуқини назорат қилиш оқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Бунда жазо тайинланган шахснинг жазони ўташи шартли равишда кечиктирилди ва унга бир йилдан уч йилгача синов муддати белгиланади. Шунингдек, суд маҳкумга қўйидаги шартларни қўйиши мумкин. Муайян вақт мобайнида ётказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқига кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиб жойи ўзгариб қолса бу ҳақда, шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳуқуқи ортидан назорат қилувчи органга хабар қилиш, вақтида билан келиб, бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, шунингдек, муайян вақтда яшаш жойида бўлиш. Бундан ташқари алкоғолизм, гийҳвандлик, ёки таносил касаллигидан да-

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

воланиш курсини ўташ каби мажбуриятлар юклианиши мумкин.

Шартли ҳукм қилинган маҳкум, белгиланган синов даврида қўйилган шартларни бузмасдан, уларни сидқидилдан бажарса, суднинг қарорига асосан белгиланган жазони ижро этмайди. Шундай бўлса-да жазони ижро этган ҳисобланади.

Агар шартли ҳукм қилинган маҳкум синов муддати давомида белгиланган шартларни бажармаса, шунингдек унга жамоат тартиби, меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд жазонинг шартлилигини бекор қилади. Маҳкум ҳукмда тайинланган жазони ижро

этади.

Суд томонидан шартли жазо «ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганларга ҳамда илгари қасддан судир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган шахсларга қўлланилмайди», аммо ўн саккиз ёшга тулмалганлар, аёллар, шунингдек, 60 ёшдан ошган шахслар бундан мустаснодирлар.

— **Хурматли таҳририят!** Қандай ҳолларда қонунда белгиланган жазодан камроқ жазо олиш мумкин?

Шодикул ҚУЗИЕВА,
Қасби тумани

— Суд судир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлиги даражасини жиҳдий камайитиручи ҳолатларни бекор қилишда ҳар иккала тарафдан ёки бир тарафдан энг кам ойлик ҳақининг 100 фоизидан 300 фоизигача давлат божи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлиги белгиланган.

— **Хурматли газета хондимири!** Илтимос, агар эр-

кнциясига белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енглироқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар деб, айбдорнинг шахси, айбдорнинг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шариоити ва сабаблари, шахснинг жиноятни судир қилгунча ва ундан кейинги ҳуқуқ-атвори, зарари тулиқ тўланганлиги, оилада асосий бақувчи эканлиги, шахснинг қилмишига пушаймонлиги ва ҳоказолар жиноятнинг ижтимоий ҳавфлиги даражасини жиҳдий камайитиручи ҳолатлар, деб топилиши мумкин. Шундай асослар бўлганда, суд шахсга Жиноят кодексига назарда тутилганден енглироқ жазони қўллаши мумкин.

— **Хурматли газета хондимири!** Илтимос, агар эр-

хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинса, давлат божи қанча микдорда тўланади?

Гулшан ҚОРИЕВА,
Тўйтепа шаҳри

— Амалдаги давлат божи тўғрисидаги қонун, ҳамда давлат божи ставкалари тўғрисидаги 1993 йил 13 февралдаги Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамасининг Қарорига асосан фуқаролар судга никоҳни бекор қилишни сўраб мурожаат қилганларда энг кам ойлик ҳақининг 50 фоизи, яъни ҳозирги энг кам ойлик иш ҳақининг (1320 сўм) яъни 660 сўм микдорда давлат божи тўлайдилар. Шунингдек, қонунда суд эрхотининг никоҳларини бекор қилишда ҳар иккала тарафдан ёки бир тарафдан энг кам ойлик ҳақининг 100 фоизидан 300 фоизигача давлат божи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлиги белгиланган.

— **БУЗОҚ** — Ушбу ҳафта Сиз учун қўйилмаган ва ахйойиб воқеа, янгиликлар олиб келиши қўйилмоқда. Нима бўлишидан қатъи назар кайфиятингизни тушири- манг. Соғлигингиз безовта қилиши эҳтимоли бор.

— **ЭГИЗАКЛАР** — Қўпчилик учун ушбу кунлар чалкашлик ва тушунмовчиликлар тўғрисида эҳтимолидан ҳоли эмас. Ўқиларингиз ва қариндошларингиз соғлигини сизни безовта қилади.

— **КИСКИЧБАҚА** — Кузлаган режамасадингизга эришишда молиявий масалалар тусиқ бўлиши қўйилмоқда. Шунинг учун ҳар қандай иш- ни кейинга суриб, оилангиз ва яқинларингиз билан табиат қўйнида дам олинг.

— **АРСЛОН** — Ойлада фарзандларингиз билан болглик масалалар билан банд бўласиз. Ҳафта бошида молиявий муаммолар бироз қийнаши мумкин. Бироқ ҳафта охирига бориб ҳаммаси жойига тушиб кетади.

— **ПАРИЗОД** — Сиз учун ҳафта барқарор келади. Иш ва хизмат юзасидан асаббўзар ҳолатлар бўлиши эҳтимолидан ҳоли эмас. Ўзингизга хос иш- ни ва қатъий қўйиш-ликларини енгиб ўтинг.

— **ТАРОЗУ** — Ҳафта қўйилмаган янгиликларга бой бўлади. Иш доирасида узғаришлар рўй бериши, соғлигингиз безовта қилиши мумкин.

— **ЧАЁН** — Ҳафта бошида сафар ва молиявий ишлардан узоқроқ бўлинг. Акс ҳолда турли муаммолар ва узғаришлар таъсирига тушиб қолишингиз мумкин.

— **ЎКОТАР** — Ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва жума кунлари хизматингизда Сиздан қатъий, эҳтиёткорлик талаб қилинади. Соғлигингизни уйлаб, табиат қўйнида дам олинг.

— **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Эски муаммо ва ишларингиз ечимида моддий имконият ҳамда асаббўзарлиқ, тусиқлар бўлишига қарамай қўзғалган мақсадингизга эришсангиз. Тижорат ва сафарларда таваккалчиликдан йироқ қилинг.

— **КОВҒА** — Ҳафта сиз учун турли чалкашлик ва тушунмовчиликлар олиб келиши мумкин. Бироқ чоршанба, пайшанба кунлари иш ва касб доирасида муваффақиятга эришсангиз.

— **БАЛИҚ** — Юлдузлар дўшанбадан чоршанбагача узоқни қўриб, режалар тузишни маслаҳат беради. Дам олиш кунлари бўладиган учрашув ва суҳбатлар Сизга кўп манфаат беради.

— **Юнус АБДУЛЛАЕВ,** Фаргона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Ажаб савдолар

ОДАМЛАР ҲАЁТИ ҲАҚИДА

Шу йил 25 июнь кунини тушдан кейин хизмат сафаридан Тошкентга қайтиб келиш учун Андижон аэропортига чиқдик. Бизни кузатаётган мезон Тошкентдан ҳарид қилинган, кун, рейс рақами қўйилмаган иккита чиптани рўйхатдан ўтказиш учун бир танишига берди. Орадан икки-уч соат ўтди. Катта самолёт ҳам одамларни олиб ўчиб кетди. Сўнгги Тошкентга учадиган 102-рейсга йўловчилар рўйхатдан ўтаётганлиги эълон қилинди.

Ким қандай қилиб бўлса-да, 10-15 нафар йўловчи қасаддан чиптани олди. Ҳаммасини кузатиб ўтирдик. Чайковчилик аёвчида, ҳатто китоб дўконидаги сотувчи ҳам танишига чипта олиб берди. Бизнинг танишимиздан эса сарф чикмас-да, у шовишмаслигини ўқитарди. Никхот сабр-қосаси тулиб рўйхатдан ўтказавтган ҳолим олдига бориб чиптаси килдик. У киши «жой йўқ — тамом-вассалом» деди. Каттиқроқ талаб қилган эдик, биттанингизни учириб юбораман, — деди. Биз бу таклифдан воз кечдик. Никхот Андижон аэропорти смена бошлиғи Анвар Худоевга мурожаат қилдик.

— Аслида 102-рейсдаги «АН-24» самолётида 48 йўловчи учун жой бор, — деб ўз сўзини бошлади А. Худоев. — Аммо самолётдаги йўловчиларнинг умумий оғирлиги энг кўпи билан 2,5 тоннадан зиёд бўлмаслиги керак. Бу ўртача 33 нафар йўловчига тўғри келади. Шунинг учун ҳам 33 нафар одамга чипта сотилиди. Ўзингиз биласиз, учувчининг ойлиги 10 минг сўм, нима қилсин, тирикчилик-да, у бугун маъсулиятни зиммасига олиб, самолётга яна 12 нафар одамни чиқартирди. Бунга бизнинг аралашишга ҳақимиз йўқ. Биз ушбу гаплар диктофонга ёзилаётгани ҳақини сўхбатдошларимиз оғохлантириб, яна сўхбатни давом эттирдик.

...Суд бўляпти. Ўз эрини ўлдирган АЁЛ ва унинг севгилисиди суд қилинмоқда. Нега шундай бўлди? Балки марҳум билан унинг акиси ва опалари уй-жой талашиб судлашмаганларида, хотини бошқани севиб қолган ухани қайта уйлаб қўйганларида, 20 йил нон-туз берган чол-кампири асранди қизини ҳам тушушганларида ва никоҳат «ЗАГС» бўлими эр-хотинини вақтида ажратиб, никоҳларини бекор қилганида, шу қотилик суддақ бўлмасми?

Ҳаёт мураккаб, тақдирлар эса чалкаш.

Вали Каримов III гуруҳ ногирони, устига-устак андак руҳий касаллиги ҳам бор эди. Тақдир экан, ота-онаси оруз-хавас ола марги-лонлик Умида Иминжонова билан бошини қовуштириб қўлди. Бироқ беш йил бўлса ҳам оила тирокча зор бўлиб қолаверди. Натияжада эр-хотин ўртасида майда гап-сўз, гиди-биди аримайди. Умида кундан-кунга ногирон эрига нисбатан кўнгилсиз бўлиб бораверди. Аввалига Маргилонда яшаган эр-хотин, кейинроқ Қирғулга кўчиб ўтишди. Бу орада эр-хотин ўғирлик қилиб судланишди. Куча қўриб қолган хотини қамқондан келганидан кейин тамоман ўзгарди. Валижонни яқин йўлатмай қўлди.

Умида ҳеч қачонда ишламасди. Устига-устак атиги 8 синф маълумотида эга эди. У қўлларини бирида Қўқон шаҳри бозорини кезиб юриб, Валижонни исмли йигит билан танишиб қолди. Ҳеч нарсани уйлаб ўтирмай, Валижонни Қирғулга бирга олиб келди-да, ноқонуний бўлса-да, бирга яшай бошлади. Миш-миш гап тез тарқалади. Валижон ўзини қўйди-ёнди, бироқ хотинини йўлга соломлади. Валижон Умидага бегона эркак киши билан ноқонуний, «пропис-ка»-сиз яшаётгани учун милицияга ари қилишини айтди. Ушунда хотиннинг кўнглида эрига нисбатан кўнгли адоват пайдо бўлди. Умида адоват отаси эса қизининг «бегона йигитини уйига олиб кириб олганини» эшитиб, даргазаб бўлиб келиб, йигитни қизининг уйдан ҳайдаб солди. Бироқ, Умида

— Тирикчилик деб, одамлар ҳаёти билан уйнашиб бўлади-ми, учуш ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида смена бошлиғи сифатида ўз муносабатингизни билдирмадингизми?

Бунинг учун ҳал этади. Тошкент авиация бўлимининг самолётини бошқарувчи экипаж командири Христафоров маъсулиятини ўз зиммасига олди.

— Кузатиб ўтирдик, шу ердаги одамлар чипта билан чайковчилик қилиш-япти, ҳеч ким уларнинг мушугини пишт демайди.

Ана ҳолос! Экипаж командири Христафоров деган кимса тирикчилик, ҳеч ҳам тўлмайдиган нафс ўтқонини тўлдирмади, деб йўловчилар ҳаётини гаровга қўйса, аэропортнинг мутасаддиси бўлган смена бошлиғи бунга бепарво қараса бўғи қанақа бўлди?

Ана шу жумбоқ ҳаёллар билан ўзимиздан бошқа ҳеч ким қолмаган аэропортни тарқатаётганимизда бизни кузатаётган мезон смена бошлиғи билан келишди шекилли «шу билет билан Намангандан учамиз, кетдик», деди.

Охир-оқибат Намангандан эсон-омон Тошкентга ўчиб келдик. Лекин анча вақтгача уша ноҳушлик бизни ўртади. Наҳотки, одамлар ҳаёти Андижон аэропортига учувчилар учун уйин-чоқ бўлиб қолди. Бировнинг ҳаётини гаровга қўйиб бўлса-да, пул топишга руҳу қўйган нафс бандаларининг ҳақоси бормикин? Биз бу ўринда пашадан фил ясамдик, ҳеч нарсани ошириб, бурттирмадик, воқеани борича баён этдик, ҳолос. Уни таҳлил этиш мутасаддиларга ҳавола.

Собиржон САЛИМОВ,
Фуркат ЖУНАЙДУЛЛАЕВ.



—Оҳ қандай мазза, келинг сиз ҳам бир калла ташланг!

ҲАВАС
• *Ўфотингизни енглироқ севинки, кунин келиб у дўшман бўлиб қолиши ҳам мумкин. Дўшманингизга ҳам енглироқ адоват қилиш, кунин келиб у ўфот бўлиб қолиши мумкин.*
(42-ҳадис).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 20 июлдан бошлаб ҳисоб ва боққона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини белгиледи:
1 АҚШ доллари — 128 сўм 72 тийин.

ШАРМАНДАГА ШАҲАР КЕНГМИ?

Ёки уйнаши билан ўз эрининг қотилига айланган аёл судда нега бир-бирларини никоҳлаб қўйишларини охириги илтимос тарзида сўрагани хусусида

• Жиноят ва жазо

лиф этишди. Дала ҳовлидаги-ларга Умида билан Валижон қанчаллик таниш бўлса, Валижон ҳам шунчаллик яхши таниш эди, ҳисоб. Сабаби, Умида шу ерда пайдо бўлибдики, Валижон ҳам қунда, кун ора келишини қўймас, аслида нима гап эканлигини қўйишлар жуда яхши бўлишарди.

Валижоннинг таширидан сўнг гап қовушарди. Валижон билан Умида «Утин қилмоқимиз» деб ўринларидан туриб кетишди. Гул қутарган Валижон бироз нима қиларини билмай ўтирибди, у ҳам севилганлар ортидан жўнади.

Дала ҳовлининг қуюқ дарах-ларидан ойнасида қўйилган Валижоннинг олдинги тусиб чиқди.

— Нега келдинг? Сен билан яшайаман, депти-ку... — ва-жоҳат билан ўшқирди Валижон.

— У мени қонуний хотиним... — дея тўтилиб жавоб берди Валижон.

— Кет, йўқол! Бу ерда қоранг-ни қўрмай! — яна удағайла-ди Валижон. Бу пайт ойболта қутарган Умида худди Валижон-нинг орқасида пайдо бўлиб қолганди. Валижоннинг тиним-сиз келаверганидан, тутқиш-

дек бир гапни такрорлаб, хоти-жонига қўймаётганидан бе-зор бўлган Умиданинг ҳаёли-дан яқаш битта фикр — шу бугун Валижонни улдириб, ик-ки ўртадан қутариб ташлаш бў-либ қолганди. Зеро, ногирон, қўз очиб қўрган хотинининг бар-ча гуноҳларини кечириб юрган,

Умида билан Валижон қот-ли бўлишди. Бадини совуб ул-гурмаган Валижоннинг мурда-сини иссиқлик қувурлари ости-даги ахлат уюмлари орасига яширишди.

Дала ҳовлиларнинг пастлик-даги қисмида юмушлар билан банд қўйишлар севилганларни-нгузлари қайтиб келганидан ҳайрон бўлишди.

— Валижон қани?
— Кетди, — қисқа жавоб қи-лишди иккови.

Қўйишлар қўнғилида шубҳа гимиради. Ҳар сафар албатта ҳайралиб кетадиган ювови бу йигитга нима бўлди? Бир-гап бўлган-ов?

Кечки пайт уйларига отла-нишавтган қўйишларидан улар белқурак сўрашди.

— Белқуракни нима қиласиз-лар?
— Смеродина қучатини ола-миз...

Белқуракни беришди-ю, шуб-ҳалари янада ортиди. Ахир Уми-да билан Валижоннинг қўли-дан ҳар иш келди. Валижон-ни улдиришган! Энди қўйиш-моқчи...

— Шундай ҳаёлга бо-нириди қўйишлар.

Эртаси кунини қўйишларнинг қачирли билан милиция ҳодим-лари бу ерга етиб келишди. Ва-лижон Каримовнинг мурдаси ахлатлар билан бертилган чу-қурликдан топилиди. Қотиллар эса ушланди.

...Суд жарайни охирига қол-ди. Ўз эрининг қотили Умида Ими-нжонова ва унинг севгилисиди Валижон Буряковларга охи-риги сўз берилди. Улар баб-ба-равар ўринларидан туришди.

— Суд расидан охириги ил-тимосимиз шу — икковимизни никоҳлаб қўйсангиз!

Шармандага шаҳар кенг, де-галлари шу бўлса керак. Ҳуш, Умида Иминжонова ким эди?